

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

● Иқтисодий судлар фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлади?

Бу Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида ўз ифодасини топди

ЎЗА муҳбири янги кодекснинг мазмун-моҳияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий суди иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раисининг ўринбосари Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ билан суҳбатлашди.

— Иқтисодиёт, хусусан, тадбиркорлик ривожига, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар амалга оширилди, — дейди Б.Сайфуллаев. — Аввал мавжуд бўлган ҳўжалик судлари ўрнида иқтисодий судлар ташкил этилди ва унинг доираси кенгайтирилди. Яъни мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва тадбиркорлик субъектлари сони ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари ташкил этилди.

Бу ўзгаришлар Иқтисодий процессуал кодексни қабул қилишни заруриятга айлантирди. 2018 йил 25 январь кuni матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун билан янги кодекс тасдиқланди. Кодекс 2018 йил 1 апрелдан қучга киради.

Кодекс 5 бўлим, 37 боб ва 347 моддадан иборат.

Кодекс билан иқтисодий судларда ишларни юритиш тартиби такомиллаштирилди. Энг аътиборлиси, соҳага оид қонунчилик ва амалиётдаги айрим камчиликлар бартараф этилди. Асосийси, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ

ва қонуний манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш механизмлари такомиллашди.

— Суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этишдан мақсад нима?

— Кодексда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан янада кенгрок фойдаланишга оид норма белгиланди. Эндиликда суд мажлисларини аудио ва видеода қайд этиш янада кенгайтирилади. Бундай замонавий услубнинг кенг жорий этилиши суд мажлислари тўлиқ қонун талаблари асосида ўтишини таъминлайди.

Суд мажлиси ёзилган аудио ёки видеоёзув билан унда қатнашган шахсларни таништириш имконияти берилмоқда.

Юқори судлар томонидан қуйи судларда олиб борилаётган ишлар, суд мажлисларининг қонунга мувофиқлиги юзасидан ўрганишлар ўтказишда ҳам бу амалиёт кўл келади. Иш бўйича юқори инстанция судига шикоят тушганда қуйи судда қўрилган ишга оид жараёни тўлиқ қайта қўриб чиқиш, хатога йўл қўйилган бўлса, буни ҳеч қандай монеликсиз аниқлаш имконияти юзага келади.

— Вилоят иқтисодий суди қўриши керак бўлган ишлар доираси, судловлиқнинг умумий қоидалари билан боғлиқ ўзгаришлар нима сабабдан жорий этилмоқда?

— Низоларни ҳал этишда судлар даражасига қараб иш қўриш уларга тушадиган юктамалар меъёрлаштиришга, ишлар ўз вақтида ва сифатли қўриб чиқилишига хизмат қилади.

Юқорида қайд этилганидек, ҳозирги кунда туман ва шаҳар иқтисодий судлари ҳам фаолият юритмоқда. Вилоят даражасидаги иқтисодий судларда иш тажрибаси юқориқ бўлган судьялар фаолият юритади. Шунинг учун ҳам мураккаб тоифадаги ишларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштириш мақсадида айрим низоларни ҳал этиш вилоят даражасидаги иқтисодий судлар судловига ўтказиладиган бўлди.

Низоларнинг тезкор қўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судловлиқнинг умумий қоидалари ўзгартирилди. Яъни юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво аризалари судга уларнинг рўйхатга олинган жойи бўйича берилади.

Маълумки, юридик шахслар рўйхатдан ўтмаган жойида ҳам, жумладан, турли жойларда фаолият юритиши мумкин. Ҳозирги кунда ишлар юридик шахс жойлашган жойда қўрилади. Айтиб ўтилганидек, улар турли жойларда

фаолият юритадиган бўлса, ишни қўришда қатор қийинчиликлар туғилиши мумкин. Бу борада аниқлик киритилгани, яъни қорхона ёки ташкилотга оид даъво аризаси улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши суд учун шу субъектдан турли ҳужжатларни олиш, суд иши билан боғлиқ бошқа жараёнларни олиб боришда қўлайлик яратади. Шу билан бирга, бу суд ҳужжатини ижро этиш жараёнини ҳам бирмунча енгиллаштиради.

— Одил судловни амалга оширишга мутахассис жалб этилиши қандай самара беради?

— Маълумки, суд иш юритувига турли соҳаларга оид ишлар келиб тушади. Ҳар соҳанинг, хусусан, судда қўриб чиқилаётган ҳар бир ишнинг ўзига хос томонлари бўлади. Уларга аниқлик киритиш мақсадида айрим ҳолларда экспертиза хулосаси талаб қилинади. Бу эса вақт, маблағ талаб этадиган жараёндир. Айрим низоларни ҳал қилишда эса мутахассиснинг маслаҳати (тушунтириши) етарли ҳисобланади.

Шунинг учун бу борада қўлайлик яратиш, суд ишининг белгиланган муддатда қўриб чиқилишини таъминлаш учун иқтисодий суд иш юритувининг иштирокчилари рўйхатига мутахассис киритиладиган бўлди. Ўз соҳасини яхши билган мутахассисдан ишга алоқадор масалаларда маълумот олишининг ўзиёқ масалага ойдинлик киритади. Шунинг учун ҳам бу мутахассис одил судловни амалга оширишга қўмаклашувчи шахс сифатида судда қатнашади.

— Апелляция ва кассация инстанцияси судларининг иш юзасидан узил-кесил қарор қабул қилиш тартиби нима учун жорий этилмоқда?

— Бунда мазкур инстанцияларнинг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни якка тартибда кўради

29.01.2018 йилдаги ЎРҚ-463-сон Қонун билан Жиноят-процессуал кодексга (ЖПК) шундай ўзгаришлар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, ЖПКнинг 13-моддаси жиноят ишларини ҳайъатда ва якка тартибда қўриб чиқиш принципни белгилайди. Ҳозир улар, жиноятнинг оғирлигига қараб, биринчи инстанция суди томонидан қўидагича қўрилади:

➤ битта профессионал судья (раислик қилувчи)

ва иккита халқ маслаҳатчиси таркибидаги ҳайъатда — оғир ва ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишлар;

➤ судья томонидан якка тартибда — ижтимоий ҳаёфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар.

1.04.2018 йилдан кейин оғир жиноятлар биринчи инстанция бўйича битта профессионал судья томонидан, яъни якка тартибда қўрилади. Халқ маслаҳатчилари фақат ўта оғир жиноятлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга жалб этилади.

Маълумот учун. Биринчи инстанция суди ҳар доим ҳам жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди бўлавермайди. ЖПКнинг 389-моддасига мувофиқ бир қатор жиноятлар таркиблари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари суди, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, ҳатто Олий суд ана шундай суд бўлиши мумкин.

Бунда Олий суд биринчи инстанция бўйича жиноят ишларини доим 3 нафар судья таркибида қўриб чиқади.

Ҳужжат «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган ва 1.04.2018 йилдан қучга киради.

2-бетда

Иқтисодий судлар фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлади?

1-бетда биринчи инстанция судига янгидан кўриш учун юбориш бўйича ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Айнан шу жараёндаги ортиқча оворагарчиликларга барҳам бериш мақсадида узил-кесил қарор қабул қилишга оид янги меъёр белгиланди.

Бунинг моҳияти шундан иборатки, эндиликда апелляция ва кассация инстанцияси судлари келиб тушган ишни аввалгидек қўйи судларга қайтармайди. Ишни ўзи кўриб чиқиб, узил-кесил нукта қўяди. Бунда фақатгина битта истисно мавжуд бўлиб, у ҳам агар биринчи инстанция суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса, ушбу

суд ҳужжати бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилиши мумкин.

– **Назорат инстанцияси билан боғлиқ ўзгаришлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

– Мазкур инстанцияда иш юритишни белгилловчи нормалар тубдан қайта кўриб чиқилди. Эндиликда назорат инстанциясида ишлар нафақат Олий суд раиси, Бош прокурор ва уларнинг ўринбосарларининг протести, балки назорат шикоят асосида ҳам кўриб чиқилади.

Бу суд иш юритуви иштирокчиларининг юқори инстанцияга мурожаат қилиш ҳуқуқини кенгайтириб, одил судловга эришиш даражасини оширади.

– **Кодексда яна қандай ўзига хос жиҳатлар бор?**

– Кодексда шартномавий (ихтиёрий) вакилларнинг рўйхати келтирилди. Судда вакил сифатида ишларни юритиш бўйича профессионал фаолият билан фақат адвокатлар шуғулланиши мумкин. Бу жамиятда адвокатларнинг ўрни ва роли ошишига ҳам замин яратади.

Коммунал тўловлар юзасидан қарздорликни ундириш бўйича ҳам ўзгаришлар киритилди. Бунда коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ундириш тўғрисида талаблар билдирилганида суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризага қандай ҳужжатлар илова қилиниши зарурлиги белгиланди. Бу қарздорлик асосиз ва нотўғри ҳисобланишининг олдини олади ва, ўз

навбатида, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Низоларни тарафларни ўзаро келиштириш асосида ҳал қилишга бағишланган келишув битимига оид янги боб Кодексдан ўрин олди. Низоларнинг самарали ҳал қилинишини таъминлаш, тарафлар ўртасидаги муносабатларни сақлаб қолишга қаратишдан бундай меъёр аввал қонунчиликда кенг акс эттирилмаган эди. Эндиликда келишув тушунчаси, уни қандай ҳолларда тузиш мумкинлиги битта бобга қамраб олиниб, кенгрок тушунтириб берилди.

Бир сўз билан айтганда, Иқтисодий процессуал кодекснинг қабул қилиниши мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларини қонун даражасида мустаҳкамлади. Бу, албатта, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари суд орқали ишончли ҳимоя қилинишини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЎЗА материали асосида.

Маъмурий суд моддада назарда тутилмаган жазо чорасини қўллашга ҳақли

29.01.2018 йилдаги ЎРҚ–463-сон Қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича жазо чораларини енгиллаштириш учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Чунончи, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг (бундан кейин – МЖТК) 33-моддасига қўшимча киритилди. Унда белгиланишича, маъмурий суд МЖТКнинг Махсус қисмидаги моддада назарда тутилмаган бошқа янада енгил жазо тайинлашга ҳақли. Бу ҳолда у МЖТКнинг 23-моддасида санаб ўтилган маъмурий жазо турлари орасидан танланади.

Масалан, транспорт воситасини алкоғолли ичимликдан, гиёҳванд модда таъсиридан ёки ўзгача тарзда маст ҳолда бошқариш транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан 1 йил 6 ойдан 3 йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 131-моддаси).

Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлардан (МЖТКнинг 31-моддаси) бири мавжуд бўлса, шунингдек ҳуқуқбузарнинг моддий аҳолини ҳисобга олган ҳолда «ҳуқуқдан маҳрум этиш» ўрнига жарима тайинланиши мумкин. Агар ҳайдовчи кимнидир шифонага олиб боришни кўзлаб маст ҳолда машинани бошқарган бўлса, бундай қилиш ўринли. Илгари суд шахснинг транспорт воситасини бошқаришига йўл қўймаслик муддатини камайтириш ҳуқуқигагина эга эди. Бироқ ушбу жазо чорасини жаримага алмаштиришга рухсат берилмас эди.

Маълумот учун. Юридик амалиётда қабул қилингандек, МЖТКнинг 23-моддасидаги маъмурий жазо турлари енгилроғидан бошланиб, тобора қатъийроқ тус олади: жарима; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш; маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш; муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш; маъмурий қамоққа олиш; чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида расман эълон қилинган ва 1.04.2018 йилдан кучга киради.

Гўшт хавфсизлигига доир талаблар тасдиқланди

Вазирлар Маҳкамасининг 22.01.2018 йилдаги 36-сон қарори билан Гўшт ва гўшт маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламент ҳамда уни жорий этиш схемаси тасдиқланди.

Тасдиқланган рўйхат бўйича гўшт ва гўшт маҳсулотлари (жами 141 номдаги) техрегламент тартибга соладиган объектлар ҳисобланади. У қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- жисмоний шахслар ўз фойдаланиши учун кейинчалик сотиш ниятисиз сўйган маҳсулотлар ва гўшт маҳсулотлари;
- ҳайвонлар учун озучабоп ва озучага биологик фаол қўшимчалар, дорилар, емлар, озучага мўлжалланмаган, сўйилган маҳсулотлардан фойдаланиб ёки улар асосида тайёрланган маҳсулотлар;
- овқатланиш (умумий овқатланиш) ташкилотларининг хизматлар қўрсатишда сотиш учун мўлжалланган, шунингдек кўрсатилган озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда сўйилган маҳсулотлардан ва гўшт маҳсулотларидан фойдаланиб ёки улар асосида тайёрланган озиқ-овқат маҳсулотлари;

➤ рецептурасига кўра гўштли ингредиентлари камидан 5%ни ташкил этадиган озиқ-овқат маҳсулотлари. Ҳужжатда маҳсулотни мажбурий идентификациялаш назарда тутилган, уни қуйидагилар амалга оширади:

- уни мамлакат ҳудудида муомалага чиқараётган тайёрловчи;
 - сертификатлаш органи – маҳсулотни баҳолаш ва мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида;
 - давлат назорат органи – маҳсулот техрегламент талабларига мувофиқлигини текшириш мақсадида.
- Техрегламент талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат ветеринария қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги ва уларнинг ҳудудий органлари, шунингдек махсус ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

***Идентификация – сўйилган маҳсулотлар ва гўшт маҳсулотларининг маркировкада ва илова қилинган ҳужжатларда кўрсатилган муҳим аломатларга мувофиқлигини баҳолаш, фарқловчи аломатларини ёки маҳсулотнинг синон патчиаларини кўздан кечириш мақсадида тақдим этилгани билан бир хиллигини аниқлаш. Техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган физик-кимёвий кўрсаткичларни аниқлаш йўли билан идентификация ўтказишга йўл қўйилади.**

Самир Латипов, Олег Заманов, «Norma» МЧЖ экспертлари.

УШБУ СОНДА	• ЯНГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ – Иқтисодий судлар фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлади? 1–2-бетлар • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР – 1 апрелдан бошлаб судья оғир жиноятларни яқка тартибда кўради – Маъмурий суд моддада назарда тутилмаган жазо чорасини қўллашга ҳақли 1–2, 7–8-бетлар	– Гўшт хавфсизлигига доир талаблар тасдиқланди – Иш берувчиларга пропускисиз шахсларни ишга қабул қилганлик учун жарима солиш тўхтатилади – Валютани олиб чиқиб кетишга рухсатномадан бир марта фойдаланилади 1–2, 7–8-бетлар	• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ – Бадалларни ошириш таклиф қилинди – Қонунлар қаерда қолди? – Ҳимоя дастаклари – ХУМШга реал бадалларни тўлашни истайсизми? 3–6-бетлар • КАДРЛАР БЎЛИМИ	– Иш берувчи ходимларни аттестациялаш тўғрисида нимага билимоғи лозим 7-бет • ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ – Узоқ давом этмайдиган айрилиқ – Нотариусга ҳам боринг – Яшаш жойи – Ўзбекистон 8-бет
	Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермасликка ҳақли.	«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birleshtgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.		



МУНДАРИЖА:

- ✓ Бадалларни ошириш таклиф қилинди
- ✓ Қонунлар қаерда қолди?
- ✓ Ҳимоя дастаклари
- ✓ ХУМШга реал бадалларни тўлашни истайсизми?



Долзарб муаммо

Бадалларни ошириш таклиф қилинди

Туман ХУМШ уюшмаси асоссиз равишда бадал миқдорини оширишни таклиф этди

2018 йилнинг илк ойида пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани аҳолиси нохуш янгилик гувоҳи бўлди. Туман ХУМШ уюшмасининг умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар белгилашга доир тавсиялари норозилик келтириб чиқарди. Турар жойлар мулкдорларига – 1 м² учун 1 000–1 200 сўм миқдорида, нотурар жойлар мулкдорларига эса – 1 м² учун 2 200–2 500 сўм миқдорида. Улар Фейсбукдаги «ХУМШ ва у билан қандай яшаш керак» гуруҳида жойлаштирилган эди. Мирзо Улуғбек туман ҳокимлигининг ширкатларга, шунингдек юридик шахс (ХУМШ) ташкил этмасдан уйларга хизмат кўрсатувчи мулкдорлар жамоаларига тавсияларни «тавсия этиши» ҳам шу ернинг ўзидан жой олган.

Таклифларга ҳуқуқий нуқтаи назардан қаралса, бу қонунчиликини бузиш, хусусий мулк ҳуқуқига асосланган, нодавлат ноҳукумат ташкилоти бўлган ХУМШ ишларига ноқонуний аралашидан бошқа нарса эмаслиги яққол кўзга ташланади. Зеро барча кўп қаватли уйлар учун мажбурий бадаллар бир хил бўла олмайди. Улар ширкат бошқаруви томонидан ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметаси асосида ҳисоблаб чиқилади, умумий йиғилишда тасдиқланади. Қонунчилик талаблари ана шундай. Бу ўринда эса жамоа ташкилоти норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланганларни писанд қилмай, ўз ҳуқуқий ваколати доирасидан чиқиб, бу ишни ўз зиммасига олган.

Моҳиятан олганда, тавсиялар – ҳеч қандай мажбурият

юкламайдиган кўрсатмалардир. Бироқ улар қонунларга зид бўлмаслиги, кишиларни чалғитмаслиги керак. Айниқса, уларнинг ташаббусқори жамоа ташкилоти саналиб, кенг оммага мўлжалланган бўлса. Кўпинча ушбу тузилмалардан чиқаётган маслаҳатлар ХУМШ учун «ихтиёрий-мажбурий» тартибда ижро этилиши шарт бўлган махфий буйруқдек янграйди, бу гал ҳам шундай бўлди, ушбу соннинг кейинги материалида шу ҳақда сўз боради.

«Тавсиячилар» қайси параметрлардан келиб чиқиб 2 ёки 3 баравар юқори эмас, айна ушбу миқдордаги бадални таклиф этмоқдалар? У нимага асосланган? Мирзо Улуғбек туман ХУМШ уюшмаси раисининг хатида айтилишича, бунга зарурат «ўтган йилги ХУМШнинг молиявий аҳоли таҳлили ва

*Тахририят ихтилофи вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда қўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

2018 йилги прогнозлардан келиб чиққан». — Ушбу таҳлил ва прогнозлар қаерда? «2018 йилги ишлар режаси, даромадлар ва харажатлар сметасини бажариш мақсадида». — Бирок ҳар бир уйнинг ўз эҳтиёклари бор, тегишичка, умумий мол-мулкни

саклаш харажатлари фарқланади. Шу сабабли ишлар режалари ва сметалар ҳар хил бўлиши керак, бу соҳани тенглаштиришга уриниш беҳуда. «Умумий мулк ва туташ ҳудудларни саклашга мажбурий бадалларни тўлиқ йиғиш зарурати муносабати билан». — Мажбурий бадаллар бўйича қарз барча ХУМШ учун ягона бадални тавсия этишга асос бўлиб хизмат қила олмайди. Ҳокимлик ва Уюшма эса ушбу қарздорликни қисқартиришда ширкатларга қўмаклаша олади. «2017–2018 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастурини бажариш мақсадида». — Айни пайтда пойтахтдаги кўппаб ХУМШ умумий мол-мулкни капитал таъмирлаб бўлди. Ҳудудни ободонлаштириш билан боғлиқ таъмирлаш эса Дастурга мувофиқ бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Бу ҳам барча уйларга бир хил мажбурий бадал тавсия этишга важ бўла олмайди. Бунинг устига, мулкдорлар кадастр ҳужжатлари билан ўзларига бириктирилган ер участкаларини тутиб туриш ҳуқуқига эга. Кадастр йўқми — мулк ҳуқуқи ҳам йўқ. Демак, ушбу «уйга туташ ҳудудларни» саклаш мажбурияти мавжуд эмас.

Мирзо Улуғбек ХУМШ уюшмаси раиси нотураж жой мулкдорлари учун турар жойлар мулкдорлариникидан 2 баравар юқори мажбурий бадал миқдорини белгилашни ҳам тавсия этмоқда. Бу қонун ҳужжатларини қўпол равишда бузишдир. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, яшаш учун мўлжалланмаган жой мулкдорлари умумий мол-мулкни саклаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни бир хил миқдорда тўлаш мажбурияти юзасидан турар жой мулкдорлари билан тенглаштирилган. Уларнинг ширкат билан муносабатлари шартнома

билан тартибга солинади. Агар нотураж жой мулкдори ХУМШ аъзосидан кўра умумий мол-мулкка каттароқ юк бўлиб ташаётганини ХУМШ асослаб берса, нотураж жой эгаси эса бунга қўшилса, фақат шу ҳолда унга турар жой мулкдориникидан юқори миқдордаги бадал белгиланиши мумкин.

Бу – муҳим!

Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига умумий мол-мулкни саклашга мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорларини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси топширилган. Бунда кўп хонадонли уй-жой фондини саклаш ва ундан фойдаланиш бўйича белгиланган норма ва қоидалар, уларнинг конструктив хусусиятлари ва бошқа параметрлари ҳисобга олинади. Қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгандан кейин улар тасдиқланади. Бадалнинг энг кам миқдори — энг куйи планка бўлиб, ундан кам миқдор белгиланиши мумкин эмас, ундан юқори миқдорни белгилаш эса мумкин ва, ўрни келганда, уйнинг техник ҳолати, таъмирлашга эҳтиёждан келиб чиқиб зарур бўлади. Бунда ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилиши ҳал этади. Яъни уларни саклашга алоҳида ёндашув саклаб қўлинади, бунда ягона бадал белгилаш учун тенглаштиришга ўрин йўқ. Туман Ширкатлар уюшмаси ХУМШ аъзоларини чагирган ҳолда ҳуқуққа зид равишда бошқа ёндашувни тавсия этмоқда.

фойдаланиши тақиқланади. Ушбу нормани бузганлик учун МЖТКнинг 203-1-моддасига мувофиқ жавобгарлик юзага келади.

Бундан ташқари, ҳужжатдаги давлат герби тасвири ташкилот давлатга тегишлилиги ҳақида маълумот беради. Мазкур ҳолда бу ёлгон маълумотдир, сабаби ХУМШ уюшмаси давлат ташкилоти эмас, бу ҳам жавобгарликка олиб келади. Пойтахт ҳокимлиги сайтидаги унга қарашли ташкилотлар рўйхатида эса... Тошкент шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси қайд этилган! Нодавлат нотижорат ташкилоти давлат органига бўйсунishi мумкин эмас. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Қонун билан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига аралашуви тақиқланган.

Асосийси, бадаллар миқдорларининг квартиралар эгалари томонидан эмас, балки чет шахслар томонидан белгиланиши — хусусий мулк ҳуқуқини тўғридан-тўғри бузишдир.

Реклама



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлаймасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Миробот тумани, Таълимаржон кўч., 1/1. Тел. (998 71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Қонунлар қаерда қолди?

Ширкат аъзоларини умумий мол-мулкни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилмоқчиларми?

Мирзо Улугбек туманидагилар ХУМШ қандай ишламаслиги кераклигини кўрсатмоқчи бўлган кўринади. Январь ойининг бошида бу ерда ширкатларни зудлик билан умумий йиғилиш ўтказишга мажбурлаш кампанияси бошланди. Оқруғлар бошлиқлари ушбу ташаббус билан чиқдилар. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ғи Қонуннинг 20-моддасида ширкат аъзоларининг ҳар йилги умумий йиғилиши молия йили туғаганидан кейин 60 кундан кечиктирмай чақирилиши белгиланган бўлса, бунчалик шошилишга нима сабаб. Уларнинг кўпчилиги йил бошида бунга ҳали тайёр эмас эди.

Оқруғ бошлиқлари жараёни тезлаштиришни кўзлаб, туман ХУМШ раҳбарларига бир хил – айнан сўзма-сўз так-рорланган умумий йиғилиш баённомаларини тарқатдилар. Булар намуна ёки тавсия эмас, балки ижро этилиши шарт бўлган ҳужжатлар эди. Умумий йиғилиш ўтиш-ўтмаслиги муҳим эмас эди. Ширкатлар раҳбарларини баённомани имзолашга, муҳр бошишга, баённоманинг айрим варақларига гўё унинг мазмунини «маъқулловчи» аҳоли имзоларини йиғишга мажбурладилар, шу билан иш битди. Бош тортганларга босим ўтказдилар. Бироқ бу ХУМШ фаолиятига ноқонуний аралашувдан ўзга нарсаси эмас, афсуски, уй-жой соҳасида бундай ҳолат барқарор тус олган.

Аслида ширкатнинг йиллик умумий йиғилиши йилнинг асосий воқеаси саналади, унга кўпчилик жиддий тайёргарлик кўради. Унда келаси йилги фаолиятни белгиловчи муҳим қарорлар қабул қилинади. ХУМШнинг муваффақиятли ишлаши у қандай ўтишига боғлиқ. Оқруғ бошлиқларининг бундай баённомаларни имзолаш талаби билан босим ўтказиши –

ширкатда ўзини ўзи бошқаришнинг муҳим дастаги бўлган умумий йиғилиш аҳамиятини ерга уришдир.

Бироқ ҳужжатнинг мазмунини билан танишиб чиқсак, юқоридаги ишлар арзимасдек кўришиб қолади. Унинг муаллифлари уй-жой фондини бошқаришга доир қарашларини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ва мамлакатимиз Ҳукумати қабул қилган уй-жой соҳасини ислоҳ қилиш йўналишига қарши қўйишга журъат этганлар. Ҳужжатни ишлаб чиққанлар қандай асосга кўра бундай йўл тутганларини била олмайсиз: ҳуқуқий саводсизлиги, ўзбошимчалиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига зид келувчи манфаатлари бунга сабабми, зеро унинг қабул қилиниши хусусий мулк ҳуқуқи ва қонун ҳужжатлари нормаларини барбод қилиши аниқ. Муаллифлар ушбу кашфиётнинг ижтимоий оқибатлари ҳақида уйлаб ҳам кўрмаган бўлсалар керак. Барча ширкатлар учун айнан сўзма-сўз тузилган, бажарилиши мажбурий бўлган баённома прокуратура томонидан қонунийликка риоя этилганлиги юзасидан албатта текширилиши шарт. Унинг мазмунини билан танишиб чиқамиз.

Умумий йиғилиш баённомасига ноқонуний тус берадиган 19 та банд

1 Тумандаги барча ХУМШ учун умумий йиғилиш баённомаси бир хил бўла олмайди, сабаби кўп қаватли уйлarning техник ҳолати турлича. Тегишинча, даромадлар ва харажатлар сметалари, умумий мол-мулкни сақлашга бадаллар ҳам фарқланиши керак.

2 ХУМШни умумий йиғилиш ўтказишга ва бир хил баённомаларни имзолашга ёппасига мажбурлаш ўзбошимчалик, қонун ҳужжатларини бузиш ва ХУМШ ишларига аралашув ҳисобланади.

3 Йиллик умумий йиғилишни шошилишча тартибда ўтказиш талаби қонунчилик талабларига зид келади. Ширкат унга тайёргарлик кўриши, у ўтказиладиган жой, сана, вақт ҳақида ўз аъзоларини олпидан хабардор қилиши керак (*ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 20-моддаси*).

4 Баённомада кўрсатилишича, «маҳалла раиси йиғилишини очилиш таклиф этди». Бу ХУМШ ишларига аралашшидир. Маҳалла раиси умумий йиғилишга келиши, сўзга чиқиши мумкин, бироқ уни ХУМШ аъзолари орасидан сайланадиган йиғилиш раиси олиб боради.

5 Баённомада қонун ҳужжатларига мувофиқ ширкат бошқаруви йиллик умумий йиғилишга қўйидаги лойиҳаларни тайёрлаши кераклигини белгиловчи банд мавжуд эмас:

а) умумий мол-мулкни ва ер участкасини, ширкат мол-мулкни сақлаш ишларининг режаси ҳамда ўтган йилдаги унинг ижроси тўғрисида ҳисобот;

б) ширкатнинг даромадлари ва харажатлар сметаси ҳамда унинг ижроси тўғрисида ҳисобот;

в) сметадан келиб чиққан ҳолда турар ва нотурар жойлар мулкдорлари учун умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларнинг миқдорлари.

Ширкат бошқаруви йиллик умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар ХУМШ аъзоларига мазкур ҳужжатларнинг лойиҳалари билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаши шарт (*ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 20, 25-моддалари*).

6 Баённомада ХУМШ бир неча уй мулкдорларини бирлаштирса, ҳар йилги умумий йиғилиш ўтказилгунига қадар ХУМШдаги ҳар бир уйнинг жой мулкдорлари йиғилишлари ўтказилиши шартлигини белгиловчи банд мавжуд эмас (*ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 23-моддаси*).

7 ХУМШ раҳбарларига топширилган баённомаларда ҳар бир қарор ва таклиф остида «Бир овоздан қабул қилинди» деб кўрсатилган. Бу бошқарув раисларини мансаб сохтакорлигига бошлайди. Чет шахслар ХУМШ аъзоларига қандай қилиб ва қайси қарорларга овоз беришни буюришга ҳақли эмас.

8 ХУМШга мажбурлаб ўтказилган баённомада тумандаги барча ширкатларнинг фаолияти қонқарсиз деб топилган. Унда кўрсатилмиша, *гўё «ширкат умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиши қонқарсизлиги; уй аҳлининг аризалари ўз вақтида ва сифатли бажарилмаслиги; ХУМШ аъзолари мажбурий бадалларни ўз вақтида тўлаши устидан назорат йўқлиги боис муддати ўтган катта дебиторлик қарзи юзага келганлиги; қарздорликни тўлатиш чоралари кўрилмаётганлиги сабабли аҳолидан кўппаб аризалар келиб тушган»*. Бироқ бундай «тенглаштириш» барча ширкатларни бир хил даражага тушириб қўяди.

9 «2018 йилда умумий мол-мулкни сақлаш ишларининг режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар сметаси Президентнинг 24.04.2017 йилдаги ПҚ-2922-сон қарори талабларига мувофиқ тузилади, мазкур ҳужжат билан шу жумладан ободонлаштириш параметрларини ўз ичига олган 2017–2018 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондиди таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шартловларини яхшилаш дастури тасдиқланган». Бироқ Дастур доирасида ҳудудларнинг ободонлаштирилиши бўйича таъмирлаш ХУМШ ҳисобидан эмас, балки бюджет ҳисобидан ўтказилади. Бу сметада акс эттирилиши керак.

10 «ХУМШ бошқаруви раиси қарз маблағлари олиш, шу жумладан банк кредитлари олиш, шунингдек битта уйдаги жой мулкдорларининг маблағларини бошқа уйнинг эҳтиёжлари учун олиб туриш (қайта тақсимлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга». Бундай қарорларни қабул қилиш бошқарув раисининг эмас, ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг мутлақ ҳуқуқидир (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси). Акс ҳолда раис уй-жой мулкдорларни вакилига айланади, улар эса кейинчалик кредит мажбурияти бўйича ўз маблағлари билан жавоб беришга мажбур бўлади.

11 «ХУМШ бошқаруви раиси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ХУМШ уюшмасига кириш ва унинг ишида фалол қатнашиш тўғрисида қарор қабул қилади». Ширкатларнинг уюшмаларига (иттифоқларига) ва бошқа бирлашмаларга кириш ҳамда улардан чиқиш тўғрисида ХУМШ аъзолари умумий йиғилиши қарорлар қабул қилади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси).

12 «ХУМШ бошқаруви раиси ХУМШ аъзоларини Мажбурий бадаллар тўлаишини ҳисобга олишнинг интеграцияланган тизими – Мирзо Улугбек тумани фуқаросининг электрон картасига (www.oboduy.uz) улаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга». Буни фуқаролар ўрнига раис ҳал этмаслиги керак. Ҳар бир мулкдорнинг шахсан қарор қабул қилиши мулкдорларнинг хос ҳуқуқи, уларнинг ажралмас фуқаролик ҳуқуқи ва эркинлиги ҳисобланади.

13 «Турар жой мулкдорларига 1 м² учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори даражасидан 0,6 фоиз миқдорида мажбурий бадал белгиланади. Нотурар жойлар мулкдорларига – 1 м² учун қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори даражасидан 1,5 фоиз миқдорида». Баённомадан келиб чиқилса, Мирзо Улугбек туманидаги турар жой мулкдорлари учун мажбурий бадал миқдори 1 м² учун 1 033,44 сўмни (172 240 / 100 × 0,6) ташкил этади. Нотурар жойлар мулкдорлари учун – 1 м² учун 2 583,6 сўм (172 240 / 100 × 1,5).

Бундан нима ни англаш мумкин? Аҳолига умумий мол-мулкни сақлаш учун зарур харажатлардан эмас, балки ЭКИХдан келиб чиқиб бадал белгилал, бу билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол этган ҳолда уй-жой фондиди бошқариш асосини бузмоқчилар. Ана шундай «қатъий» бадал ўрнатилиб, у кимнингдир томонидан ишлаб чиқилган бўлса, ишлар режасини тузишга, даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқишга ҳожат қолмайди. Аслида бу қонун ҳужжатларини оёқ ости қилиш ва мулк ҳуқуқини бузиш саналади.

ПҚ-2922-сон қарор билан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига уйларнинг техник ҳолати, конструктив хусусиятлари, таъмирлашга реал эҳтиёжи, бошқа параметрлардан келиб чиқиб мажбурий бадалларнинг энг кам миқдорларини ҳар йили тасдиқлаш вазифаси топширилган. Баённома муаллифлари Президент қарори билан ваколат берилган орган ўрнига ўзларини қўйиб, алоҳида олинган тумандаги ХУМШ аъзолари учун ЭКИХга қарор белгиланадиган бадални ўзбошимчалик билан ўрнатишни кўзламоқдалар. Ахир у энг кам иш ҳақи ҳар гап ошганида ортиб бораверади-ку.

14 «Аҳолининг ҳимояланмаган қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш, уйбоширлар фаолиятини рағбатлантириш, шунингдек бюджет ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ХУМШ бошқаруви раисига улар учун мажбурий бадалнинг энг кам, нолга даражалашган бўлган миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилади». Аҳолининг ҳимояланмаган қатламлари бадал миқдорини камайтириш имконияти тўғрисидаги қарорни умумий йиғилиш қабул қила олади. Бироқ нима сабабдан ХУМШ аъзолари бюджет ташкилотларининг умумий мол-мулкни сақлаш харажатларини зиммаларига олиб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари керак? Уйбоширларнинг ишини рағбатлантириш масаласини ҳам аҳоли умумий йиғилишида ҳал этмоғи лозим. Улар орасида қўшниларига ҳеч қандай фойдаси тегмайдиганлар кўп топилади.

15 «Бошқарув раисига ҳар бир мулкдордан қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори даражасидан 2 фоиз миқдорида иш ҳақи белгиланади». Бироқ ширкат бошқаруви раисига, аъзоларига ва тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарорни ХУМШ аъзолари умумий йиғилиши қабул қилади (ХУМШ тўғрисидаги Қонуннинг 19-моддаси).

16 «Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ХУМШ уюшмасига ажратилмаган миқдори ҳар бир мулкдордан қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори даражасидан 1,5 фоиз миқдорида белгиланади». Демак, ширкатнинг ҳар бир аъзоси Уюшмага: 172 240 / 100 × 1,5 = 2 583,6 сўм ўтказиши керак. Мирзо Улугбек туманида 2011 йилда қарийб 61 949 та квартира бўлгани ҳисобга олinsa, туман ХУМШ уюшмасига умумий ойлик йиғим: 2 583,6 × 61 949 = 160 051 436,4 сўмни ташкил этган бўларди. Ҳозир бу сумма анча кўп бўлади. Шунча йил давомида фойда беришини исботлай олмай, аъзоларни жалб этолмаган ташкилот учун жуда яхши «хўрақ». Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жарама ташкилотга ихтиёрий равишда аъзо бўлиш мумкин. Мазкур ҳолда ХУМШ аъзолари умумий йиғилишида бу ҳақда қарор қабул қиладилар.

17 «ХУМШ бошқаруви раисининг номзоди Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани УХК бўлими тасдиқлаш учун киритилади». Бироқ ПҚ-2922-сон қарорга мувофиқ,

ХУМШ бошқаруви раисининг номзоди умумий йиғилиш қарори асосида, «Коммуналўқув» ўқув-услубий маркази» ДУҚда ўқигани тўғрисида тегишли сертификатни мавжуд бўлганда ва туман УХКБ томонидан тасдиқланган ҳолда эмас, балки у билан келишилган ҳолда сайланади.

18 «2018 йил 1 январдан бошлаб мажбурий бадаллар тўлаишнинг, қилинган харажатларни, тижорат банкларининг ҳисоб-китоб рақамларидаги қолдиқларни ҳисобга олиш қисмида турар ва нотурар жойлар мулкдорлари билан ўзаро муносабатларнинг барчаси фақат Мажбурий

бадаллар тўлаишнинг ҳисобга олишнинг интеграциялашган тизими – Мирзо Улугбек тумани фуқаросининг электрон картаси (www.oboduy.uz) орқали амалга оширилади». Қонун ҳужжатларини ҳар томонлама бузган ҳолда бундай шошилишнинг сабаби энди юзага чиқди. Ҳамма гап «www.oboduy.uz»да экан! Қонунлар қаерда қолса, қоплавермайдими.

19 Баённомада бу намуна ёки тавсия эканлиги қўрсатилмаган. Шу сабабли уй-жой мулкдорларининг манфаатлари кўзланмаган харажатларни содир этишга мажбурлаш ҳақида сўз бормоқда.

Муаллифи топилсин!!!

Ушбу ҳужжат муаллифини аниқлаш мушкул, сабаби унда жиддий жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган. Ўйлашимизча, у Мирзо Улугбек тумани ХУМШ уюшмаси ва ҳокимлик тузилмаларидан чиққан. Зеро мажбурий бадал оширилиши тўғрисида Фейсбукдаги «тавсиялар» унинг пайдо бўлиши ҳақида хабардор қилган эди. Эҳтимол, у жамоатчилик фикрининг ўзига хос мониторинги бўлгандир. Оқруғ бошлиқлари – давлат ҳокимияти органларининг жарчи ва элчилари ҳужжатни илгари сурмоқдалар. Буларнинг бари учун эса аҳоли ҳақ тўлашига тўғри келади.

Асосий гоёси – хусусий мулк ҳуқуқини яқсон қила олган баённома ижтимоий тармоқларда кириб ўқиганлар ва фикр билдирганлар сони бўйича бозори чаққон асарга айланиши мумкин эди. Мазмунидан келиб чиқилса, квартиралар эгала-

рини умумий мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқидан маҳрум этиб, ушбу ҳуқуқни ХУМШ раисларига топширмоқчилар. Бу ёндашув кўпчилигига таниш: гуруҳдан кўра бир кишини бошқариш ва манипуляция қилиш анча осон. Ширкатда умумий йиғилиш эмас, балки бошқарув раиси олий орган бўлса, аҳолининг бадалларини тасарруф этиш осон кечади. Боз устига, у қўрқоқ, бировнинг ҳақидан тап тортмайдиган, қонун ҳужжатларидан беҳабар бўлса.

Бугунги кунда уй-жой соҳаси қийин даврни бошдан кечирмоқда. У ислоҳ қилинган, бошқаруви тубдан такомиллаштиришга доир аниқ чоралар қабул қилинган. Бунда, шубҳасиз, қатъий ёндашув зарур. Бироқ амалдаги қонунчилик доирасидан чиқмаслиқ даркор. У писанд қилинмас экан, маърифатли пойтахтнинг бошқа туманларида ҳам шунга ўхшаш ҳужжатни кашф этмасликларига кафолат бўлмайд.

Ҳимоя дастаклари

ЎЗР ЖИНОЯТ КОДЕКСИ

192-1-модда. Хусусий мулк ҳуқуқини бузиш

Назорат қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат органининг ва давлат ташкилотининг мансабдор шахси ёки хизматчиси томонидан хусусий мулкдорларнинг ҳуқуқларини бузиш йўли билан уларга зарар етказиш, яъни *мулк ҳуқуқини қонунга хилоф равишда чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум этиш, хусусий мулкка тажовуз қилиш, номақбуллиги олдидан аён бўлган шартларни мулкдорга мажбуран қабул қилдириш*, шу жумладан, мол-мулкни ёки мулквий ҳуқуқларни топширишни асоссиз равишда талаб қилиш, шунингдек мулкдорнинг мулкни олиб қўйиш ёхуд уни ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқидан воз кечишга мажбурлаш, талон-торож аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) *бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб содир этилган бўлса*, –

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз ол-

миш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) *уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса*, –

энг кам ойлик иш ҳақининг беш юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, уч йилдан беш йилгача озодлиқни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш

Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, яъни давлат органи, *давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи* мансабдор шахсининг ўзига қонун билан берилган ваколатлар доирасидан четга чиқадиган ҳаракатларни қасддан содир этиши, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, –

энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёки уч юз олти соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки

бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Уша ҳаракат:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзаб содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ЎЗР ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ

164-модда. Мулк ҳуқуқи тушунчаси

Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи мuddатсиздир.

166-модда. Мулкнинг дахлсизлиги

Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир.

Мулкдорнинг мол-мулкни олиб қўйишга, шунингдек унинг ҳуқуқларини чеклашга фақат қонунларда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

ЎЗРнинг «ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ

7-модда. Мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги

Мулкдорнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида мулкдор ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилади, унга мувофиқ қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига талқин этилади.

ХУМШга реал бадалларни тўлашни истайсизми?

Бунинг учун сметани тўғри тузиш лозим. Бадал миқдорини «осмондан олиб» белгилаш керак эмас. У умумий мол-мулкни сақлаш эҳтиёжлари ва харажатлари асосида ҳисоблаб чиқарилади. «Берёза Коммунал Сервис» бошқарувчи компанияси (БК) директори Валентина Азимова нима учун у барча ширкатлар учун ягона бўла олмаслигини тушунтиради.

— Келинг, ихкита ХУМШни қўриб чиқамиз. **1-сон ХУМШ** 6 та тўрт қаватли уйни (264 та квартира) бирлаштиради. Булар 1963 йилда қурилган, техник ҳолати деярли ўхшаш бир хил типдаги 4 қаватли уйлар. ХУМШ бизнинг БКга фақат бухгалтерия юритиш хизматларини буюртиради, қолган ишларни ўз кучи билан бажаради. 2017 йилда у кредит ҳисобига катта иш қилди: том, йўлаклар, муҳандислик коммуникацияларини таъмирлади, уйга туташ худудни тартибга келтирди. Шу сабабли 2018 йилги асосий харажатлар — кредитни сўндириш, бу 62 890 минг сўмни (даромадларнинг 44,07%) ташкил этади.

ХУМШ тайёрлаган нуқсонлар далолатномалари ва ишлар режасининг лойиҳаси асосида БК ҳар битта уй учун даромадлар ва харажатлар сметасини тайёрлайди. Ширкат ҳар бир позицияни қўриб чиқади. Бу босқичда ниманидун ўзгартириш мумкин. Бироқ ўзгартириб бўлмайдиган параметрлар мавжуд. Масалан, кредитни қайтариш, электр энергияси, санитария жиҳатидан ишлов берилиши, ювчи, супуриндиларни олиб чиқиб кетиш, ХУМШ ходимларига иш ҳақи, БК хизматлари ҳақини тўлаш керак. Харажатлардан келиб чиққанда у 1 м² учун 900 сўм миқдоридagi бадални ташкил этди. Илгари ушбу ХУМШ қонун ҳужжатларида назарда тутилганидек, ҳар битта уй учун турли бадалларни қўллашга уринган. Бироқ 4 қаватли уйларнинг техник ҳолати деярли ўхшаш, таъмирга эҳтиёжи ҳам бир хил. Шу сабабли бир неча йил аввал ХУМШ ягона бадал миқдорини белгилаш ва уйларни капитал таъмирлашга умумий маблағларни навбат тартибда қайта тақсимлашга қарор қилди.

2-сон ширкат битта 9 қаватли уй аҳолиси (6 та йўлак, 104 та квартира) ҳамда қўшимча даромад келтирадиган 10 та нотураж жой мулкдорларини бирлаштиради. Ушбу ХУМШга БК тўлиқ хизмат кўрсатади. Бу ерда уй лифтларга эга бўлса ҳам, мажбурий бадал миқдори камроқ — 1 м² учун 710 сўм бўлди. Сабаби нимада? Унинг харажатлари, кредит миқдори камроқ, чунки капитал таъмирлаш ишларининг бир қисmini қарз олмай, ўз кучи билан бажарди. Сўнгги 4 йил давомида кредитлар ҳисобига катта ишларни амалга оширди: дераза ромлари, соябонлар ўрнатди, ертўладаги барча канализация қувурларини алмаштирди, йўлаклар, лифтнинг машина хонаси томини таъмирлади, видеокамералар ўрнатди. Шу сабабли 2018 йилда қайтариладиган кредит 40 800 минг сўмни ташкил этади.

Ушбу ХУМШда лифтлар бўлгани учун 1-сон ширкатга қараганда кўпроқ электр энергияси сарфланади. Бироқ супуриндиларни олиб чиқиб кетиш харажатлари камроқ — дахлатлар оз. Иккала ширкатда барча зарур таъмирлаш ишлари бажарилиб, уйлар тартибга келтирилган. Фақат жорий хизмат кўрсатилиб, бир неча йил кредит тўланади. Қарз узилгач, бадални камайтириш ҳақида уйлаб қўриш мумкин. 1 м² майдонга харажатларни ҳисоблаб, ҳар бир турдаги хизматларнинг калкуляциясини смета лойиҳасига илова қиламиз. Аҳоли уларнинг фоиз нисбатидagi қийматини кўради. Ушбу нархларни турар жойнинг умумий майдонига кўпайтириб, ХУМШ аъзоси тариф белгиланганда ойига умумий мол-мулкни сақлашга қанча тўлаши кераклигини билиб олиш мумкин.

1-сон ХУМШ БЎЙИЧА 2018 ЙИЛГИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ

1 кв. м қиймати – 900 сўм

(минг сўм)

Т/р	Моддалар номи	Йиллик харажатлар	1 кв. метрга	Салмоғи (%)
1	2	3	4	5
1	Ишлаб чиқариш харажатлари	5 000	31,53	3,50
1.1	Умумий фойдаланиш жойларидаги (йўлаклар, ертўлалар) электр энергиясига харажатлар	5 000	31,53	3,50
2	Чет ташилотлар хизматлари	16 500	104,06	11,56
2.1	Бухгалтерия ҳисобини юритиш хизматлари ҳақини тўлаш	12 000	75,68	8,41
2.2	Ахлат олиб чиқиш кетиш	2 000	12,61	1,40
2.3	Санитария ишлови бериш (дезинфекция ва ҳ.к.)	1 000	6,31	0,70
2.4	Ювиш, профтаъмирлаш	1 500	9,46	1,05
3	Умумий мол-мулкни жорий таъмирлаш, жами:	9 988,4	62,99	7,00
3.1	материаллар	8 788,4	55,42	6,16
3.2	бошқа харажатлар (инвентарь, инструментлар, асбоб-ускуналар, махсус кийим-бош, техника хавфсизлигига харажатлар, лампочкалар, қўлфлар, патронлар, симлар, супургилар ва ҳ.к.)	1 200	7,57	0,84
4	Умумий мол-мулкни капитал таъмирлаш, жами:	62 890,4	396,62	44,07
4.1	кредит	62 890,4	396,64	44,07
5	Маъмурий харажатлар, жами:	48 332	304,80	33,87
5.1	ширкат раиси, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ	1 000	6,31	0,70
5.2	ахборот хизматлари (газеталар, махсус адабиётлар ва ҳ.к.) ҳақини тўлаш	300	1,89	0,21
5.3	ХУМШ ходимларига иш ҳақи	33 000	208,11	23,12
5.4	иш ҳақиға 25% солиқ	8 250	52,03	5,78
5.5	банк хизматлари ҳақини тўлаш	4 282	27,00	3,00
5.6	бошқа харажатлар (ёзув-чизув товарлари, нусха кўчириш, телефон, компьютер хизматлари ва ҳ.к.)	1 500	9,46	1,05

1-сон ХУМШ БЎЙИЧА 2018 ЙИЛГИ ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

Т/р	Моддалар номи	Режа (минг сўм)	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
	Даромадлар:					
1	Турар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари	14 2710,8	35 677,7	35 677,7	35 677,7	35 677,7
2	Нотурар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари	1 324,6	331,15	331,15	331,15	331,15
	Бошқа тушумлар	0	0	0	0	0
	Жами даромад	14 2710,8	35 677,7	35 677,7	35 677,7	35 677,7
	Харажатлар:	0	0	0	0	0
1	Ишлаб чиқариш харажатлари	5 000	1 250	1 250	1 250	1 250
1.1	Умумий фойдаланиш жойларидаги (йўлаклар, ертўлалар) электр энергиясига харажатлар	5 000	1 250	1 250	1 250	1 250
2	Чет ташилотлар хизматлари	16 500	4 125	4 125	4 125	4 125
2.1	Ахлат олиб чиқиш кетиш	2 000	500	500	500	500
2.2	Санитария ишлови бериш (дезинфекция ва ҳ.к.)	1 000	250	250	250	250
2.3	Ювиш, профтаъмирлаш	1 500	375	375	375	375
2.4	Бухгалтерия ҳисобини юритиш хизматлари ҳақини тўлаш	12 000	3 000	3 000	3 000	3 000
3	Умумий мол-мулкни жорий таъмирлаш, жами:	9 988,4	2 497,1	2 497,1	2 497,1	2 497,1
3.1	материаллар	8 788,4	2 197,1	2 197,1	2 197,1	2 197,1
3.2	бошқа харажатлар (инвентарь, инструментлар, асбоб-ускуналар, махсус кийим-бош, техника хавфсизлигига харажатлар, лампочкалар, қўлфлар, патронлар, симлар, супургилар ва ҳ.к.)	1 200	300	300	300	300
4	Умумий мол-мулкни капитал таъмирлаш, жами:	62 890,4	15 722,6	15 722,6	15 722,6	15 722,6
4.1	кредит	62 890,4	15 722,6	15 722,6	15 722,6	15 722,6
5	Маъмурий харажатлар, жами:	48 332	12 083	12 083	12 083	12 083
5.1	ширкат раиси, бошқарув аъзолари ва тафтиш комиссиясига тўланадиган ҳақ	1 000	250	250	250	250
5.2	бошқа харажатлар (ёзув-чизув товарлари, нусха кўчириш, телефон, компьютер хизматлари ва ҳ.к.)	1 500	375	375	375	375
5.3	ахборот хизматлари (газеталар, махсус адабиётлар ва ҳ.к.) ҳақини тўлаш	300	75	75	75	75
5.4	ҳодимларнинг иш ҳақи: раис (директор), сантехник, пайвандловчи, ёрдамчи ишчилар	33 000	8 250	8 250	8 250	8 250
5.5	иш ҳақиға 25% солиқ	8 250	2 062,5	2 062,5	2 062,5	2 062,5
5.6	банк хизматлари ҳақини тўлаш	4 282	1 073	1 073	1 073	1 073
	Жами харажат	142 710,8	35 677,7	35 677,7	35 677,7	35 677,7

2-сон ХУМШ БЎЙИЧА 2018 ЙИЛГИ КАЛЬКУЛЯЦИЯ

1 кв. м қиймати – 710 сўм

(минг сўм)

T/p	Моддалар номи	Йиллик харажатлар	1 кв. метрга	Салмоғи (%)
1	2	3	4	5
1	Ишлаб чиқариш харажатлари	3 200	26,27	3,55
1.1	Умумий фойдаланиш жойларидаги (йўлақлар, ертўлалар) электр энергиясига харажатлар	3 200	26,27	3,55
2	Чет ташкилотлар хизматлари	11 480	94,24	13,27
2.1	Лифтларга хизмат кўрсатиш	10 080	82,74	11,65
2.2	Супуриндиларни олиб чиқиш кетиш	400	3,28	0,46
2.3	Ювиш	500	4,10	0,58
2.4	Санитария ишлови бериш	500	4,10	0,58
3	Умумий мол-мулкни жорий таъмирлаш	27 726,1	227,60	32,06
3.1	Бошқа харажатлар	200	1,64	0,23
3.2	Материаллар	2 325,5	19,09	2,69
3.3	Бошқарувчи (хизмат кўрсатувчи) ташкилотга ҳақ тўлаш	25 200,6	206,87	29,14
4	Капитал таъмирлаш	40 800	334,92	47,30
4.1	Капитал таъмирлаш жамғармасига ажратмалар	40 800	334,92	47,30
4.2	Маъмурий харажатлар	3 285,6	26,97	3,82
4.3	Раис, бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ	1 720	14,12	1,99
4.4	Банк хизматлари ҳақини тўлаш	1 565,6	12,85	1,83
	Жами	86 491,7	710,00	100,00

2-сон ХУМШ БЎЙИЧА 2018 ЙИЛГИ ДАРОМАДЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

(минг сўм)

T/p	Моддалар номи	Режа (минг сўм)	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
	Даромадлар					
1	Турар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари	67 789,7	16 947,4	16 947,4	16 947,4	16 947,4
	Бошқа даромадлар	144,0	36,0	36,0	36,0	36,0
2	Нотурар жойлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари	18 558,0	4 639,5	4 639,5	4 639,5	4 639,5
	Жами даромад	86 491,7	21 622,9	21 622,9	21 622,9	21 622,9
1	Ишлаб чиқариш харажатлари	3 200,0	800,0	800,0	800,0	800,0
1.4	Умумий фойдаланиш жойларидаги (йўлақлар, ертўлалар) электр энергиясига харажатлар	3 200,0	800,0	800,0	800,0	800,0
2	Чет ташкилотлар хизматлари	11 480,0	2 870,0	2 870,0	2 870,0	2 870,0
2.1	Лифтларга хизмат кўрсатиш	10 080,0	2 520,0	2 520,0	2 520,0	2 520,0
2.2	Ахлат олиб чиқиш кетиш	400,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2.3	Санитария ишлови бериш (дезинфекция ва ҳ.к.)	500,0	125,0	125,0	125,0	125,0
2.4	Ювиш, профтаъмирлаш	500,0	125,0	125,0	125,0	125,0
3	Умумий мол-мулкни жорий таъмирлаш, жами:	27 726,1	6 931,5	6 931,5	6 931,5	6 931,5
3.1	шартнома бўйича бошқарувчи ташкилот хизматлари ҳақини тўлаш	25 200,6	6 300,2	6 300,2	6 300,2	6 300,2
3.3	материаллар	2 325,5	581,4	581,4	581,4	581,4
3.6	бошқа харажатлар (инвентарь, инструментлар, асбоб-ускуналар, махсус кийим-бош, техника хавфсизлигига харажатлар, лампочкалар, кулфлар, патронлар, симлар, супургилар ва ҳ.к.)	200,0	50,0	50,0	50,0	50,0
4	Умумий мол-мулкни капитал таъмирлаш, жами:	40 800,0	10 200,0	10 200,0	10 200,0	10 200,0
	кредит – 35 %	40 800,0	10 200,0	10 200,0	10 200,0	10 200,0
5	Маъмурий харажатлар, жами:	3 285,6	821,4	821,4	821,4	821,4
6	Бошқа харажатлар (кутилмаган)					
1.1	Ширкат раиси, бошқарув аъзоларига тўланадиган ҳақ	1 720,0	430,0	430,0	430,0	430,0
1.5	Ахборот хизматлари (газеталар, махсус адабиётлар ва ҳ.к.) ҳақини тўлаш		0,0	0,0	0,0	0,0
1.6	Банк хизматлари ҳақини тўлаш	1 565,6	391,4	391,4	391,4	391,4
	Жами харажат	86 491,7	21 622,9	21 622,9	21 622,9	21 622,9

Мавзувий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Иш берувчиларга пропискасиз шахсларни ишга қабул қилганлик учун жарима солиш тўхтатилади

Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони билан вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқни, шунингдек иш берувчининг мазкур тақиқни бузганлиги учун жавобгарлигини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Фармон билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг 56-бандига мувофиқ, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, ИИБ, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2018 йил 20 мартга фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларини таъмин-

лаш мақсадида доимий ва вақтинча рўйхатга қўйиш (ҳисобга олиш) тартибини соддалаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилади. Лойиҳаларда, хусусан, қуйидагилар назарда тутилади:

- паспорт олиш, таълим олиш, меҳнат қилиш ва бошқа ҳуқуқларни амалга оширишда прописка билан боғлиқ чекловларни бартараф қилиш;
- меҳнат муносабатлари жараёнида паспорт тизими қоидаларига риоя этмаганлик учун иш берувчининг маъмурий жавобгарлигини бекор қилиш;
- мавсумий ишларга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда) жалб қилинганларни вақтинчалик рўйхатга олиш тизимини соддалаштириш, улар учун уй-жой ижараси, уй-жойдан текин фойдаланиш битимини тузиш талабини бекор қилиш.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, ишга кирувчи вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган

жойи бўйича ҳисобда турмаган бўлса ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин (*Меҳнат кодексининг 80-моддаси*). Бунда ушбу нормани ижро этиш МЖТК-нинг 223²-моддасига кўра маъмурий жазо билан мустахкамланади.

Юридик нуқтаи назардан, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган фуқароларни ишга қабул қилишга бўлган тақиқ, шунингдек, иш берувчининг мазкур тақиқни бузганлиги учун жавобгарлиги Меҳнат кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан кейин амал қилишни тўхтатади, чунки кодекслар қонуности ҳужжатларига нисбатан юқори юридик кучга эга. Бироқ, амалиёт Президентнинг ПФ-5308-сон Фармони кучга киргандан кейин ўзгариши мумкин.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иш берувчи ходимларни аттестациялаш тўғрисида нималарни билмоғи лозим

Ташкилотлар ва корхоналарга ўз профессионализмини мунтазам ошириб борадиган малакали мутахассислар доим керак. Ходимларнинг профессионал билим ва кўникмалари даражаси, ишбилармонлик сифатларини тўғри баҳолаш учун уларнинг малакаси ва эгаллаб турган лавозимига муносиблигини вақти-вақти билан текшириб туриш зарур, чунки ходимнинг қўйилаётган талабларга номувофиқлигини иш берувчи исботлаб бериши керак. Шу сабабли айнан иш берувчи фаолиятидан қониқмаётган ва эгаллаб турган лавозимига ёки бажараётган ишига нолойиқ деб ҳисоблайдиган ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан манфаатдор.

Одатда, бундай текширув ходимларни аттестациялаш асосида амалга оширилади.

Уни ўтказиш тартиби меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжалар ва ходимларнинг вакиллик органи фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилинадиган корхонанинг бошқа локал ҳужжатлари билан белгиланади. Улар корхоналарда низомлар (масалан, ходимларни аттестациялаш тўғрисидаги) кўринишида ишлаб чиқилади. МҚнинг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига мувофиқ меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлиб хизмат қила оладиган ходимларни аттестациялаш вақти-вақти билан (ходимларни аттестациялаш тўғрисидаги низомда белгиланган муддатда – масалан, 2 йилда 1 марта) ўтказилади.

Аттестациялаш комиссияси раҳбар ва юқори малакали мутахассислар орасидан корхона раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Комиссия таркибига ходимларнинг вакиллик органлари ва Ёшлар иттифоқи вакили ҳам қиради.

Ушбу буйруқ билан ходимларни аттестациялаш тўғрисида низом, уни ўтказиш муддатлари ва жадвали тасдиқланади. Мазкур ҳужжатлар аттестация бошлангичидан камида бир ой олдин аттестациядан ўтказиладиган ходимлар эътиборига етказилади.

Навбатдаги аттестацияга қуйидагилар киритилмайди:

- ҳомиладор аёллар, 3 ёшга тўлмаган боласи бор аёллар;
- корхона учун белгиланган мини-

мал иш жойлари ҳисобидан ишга юборилган шахслар;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ҳамда олий ўқув юрларининг тегишли таълим муассасасини тамомлаган кундан эътиборан 3 йил ичида биринчи бор ишга қираётган битирувчилари;
- 6 ойгача муддатга меҳнат шартномаси тузилган ходимлар;
- муайян лавозимда 6 ойдан кам ишлаган ходимлар.

Таркибий бўлинма раҳбари ва ходимларнинг вакиллик органи аттестациядан 2 ҳафта олдин аттестациядан ўтказиладиган ходимга баҳо беради (тавсифнома тузади). Аттестациядан ўтказиладиган ходимга ўзи ҳақидаги тавсифнома билан олдиндан, бироқ камида бир ҳафта аввал танишиб чиқиш имконияти берилиши керак.

Аттестациялаш комиссияси тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва ходимнинг ахборотини тинглайди. Йиғилишда аттестациядан ўтказиладиган ходим ишлайдиган бўлинманинг раҳбари қатнашади.

Аттестациялаш комиссияси ходимнинг фаолиятига қуйидаги баҳолардан бирини беради:

- эгаллаб турган лавозимига лойиқ;
- ишини яхшилаш ва комиссия тавсияларини бажариш шarti билан эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 3 ойдан кейин такроран аттестацияланади;
- эгаллаб турган лавозимига нолойиқ.

Бевосита овоз беришдан кейин ат-

тестация натижалари аттестациядан ўтказилган ходимга маълум қилинади.

Аттестациялаш комиссиясининг баҳолари, қарорлари ва кўрсатмалари раҳбар учун тавсия тусига эга бўлади.

Аттестациялаш комиссияси тақдим этган материаллар асосида, у қабул қилган қарорлар, берилган баҳоларни ҳисобга олган ҳолда корхона раҳбари аттестация якунлари ҳақида буйруқ чиқаради.

Буйруқда локал норматив ҳужжат ва аттестация ўтказилишига асос бўлган фармойиш берувчи ҳужжат кўрсатилади, уни ўтказиш даври, қандай тоифадаги ходимларга нисбатан ўтказилгани, тадбирларни амалга ошириш учун масъуллар, ходимларни аттестациялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ аттестация якунлари бўйича уларни амалга ошириш муддатлари қайд этилади.

Аттестация натижаларига кўра иш берувчи:

- а) ходимни аввалги лавозимида қолдириши;
- б) аттестациядан муваффақиятли ўтган ходимларни рағбатлантириши, уларга устама ҳақ белгилаши;
- в) ходимларнинг ўқишини (тренинглари, семинарлар) ташкил этиши, малака ошириш, қайта ўқитишга юбориши;
- г) ходимнинг розилиги билан лавозимини оширган ёки туширган ҳолда бошқа ишга ўтказиши;
- д) ходимларни такроран аттестациядан ўтказиши;
- е) иш ҳақини ошириши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ўзгартириши;
- ж) аттестация натижалари билан

тасдиқланган малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли бажараётган ишига нолойиқлиги муносабати билан амалдаги меҳнат қонунчилигига қатъий риоя этган ҳолда ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилиши мумкин.

Ушбу қарорлардан қай бири чиқарилишидан қатъи назар, буйруқ билан расмийлаштирилиши лозим.

Кадрлар хизмати «Эгаллаб турган лавозимига нолойиқ» баҳосини олган ходимларни малакаси етарли бўлмаганлиги сабабли бажараётган ишига нолойиқлиги (МҚнинг 100-моддаси 2-қисми 2-банди) муносабати билан огоҳлантирилган кундан бошлаб 2 ҳафта ўтгач улар билан меҳнат шартномалари бекор қилиниши тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириш вазифаси топширилиши мумкин.

Ишдан бўшатишга келсак, башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида МҚнинг 100-моддаси 2-қисми 2-банди бўйича ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун ходимлар вакиллик органининг розилигини олиш назарда тутилган бўлса (МҚнинг 101-моддаси 1-қисми), бундай розилик олинганлиги тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли бўлади.

Аттестациялаш билан боғлиқ меҳнат низолари амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ кўриб чиқилади.

Абдусалом Рискўллаев,
«Norma» МЧЖ етакчи эксперти.



Узоқ давом этмайдиган айрилик

Агар Тошкентдаги пропискамдан чиқиб, бир неча йил янги яшаш жойида консуллик ҳисобида турсам, қайтиб келгач Тошкентдаги ўз квартирамда яна пропискдан ўта оламанми?

Алишер Х. Тошкент ш.

— Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида доимий истиқомат қилган ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларига ёки хорижга чиқиб кетган фуқаролар, турли сабабларга кўра кетган жойлари бўйича прописка қилинмаган ҳамда 1 йил ичида Ўзбекистон Республикаси ИИБ то-

монидан белгиланган шаклдаги жўнаб кетиш варағи билан қайтиб келган тақдирда, Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида умумий асосларда доимий прописка қилинади (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 33-банди).

Нотариусга ҳам боринг

Тошкентда доимий пропискага (яшаш гувоҳномасига) эга бўлган чет эл фуқаросиман. Онам ҳам Тошкентда доимий прописка қилинган чет давлат фуқароси, Яшнобод туманидаги квартира эгаси. Бу квартирада фақат мен прописка қилинганман. Ўзбекистон фуқароси бўлган, Тошкентда онасининг манзили бўйича прописка қилинган турмуш ўртоғимни ва учала фарзандимизни ҳам шу уйда прописка қилдирмоқчиман. Расман никоҳланганимизга 6 йил бўлди. Миграция бўлими ходими прописка қилиш учун онамнинг нотариал тасдиқланган розилигини ва квартиранинг ҳужжатларини талаб қилляпти.

Р.А. Тошкент ш.

— Бу ҳолда миграция бўлими ходими онангнинг прописка қилиш учун розилигини талаб қилиб, тўғри қилляпти, сабаби квартира унга тегишли. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 8-бандида эр-хотинни прописка қилиш учун Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти ТШИББ ХЧКваФРБга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган:

- шакл бўйича ариза;
- паспорт;
- контракт бўйича ҳарбий хизматчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари офицерининг шахсий гувоҳномаси (казармалар, корабллар ва кемалардан ташқарида яшайдиган ҳарбий хизматчилар учун);

➢ турар жой учун ҳужжатларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➢ уй-жой мулкдорининг (мулкдорларининг) турар жой майдони бериш тўғрисида нотариал тасдиқланган аризаси (розилиги);

➢ никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг ёки фарзанднинг тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

➢ давлат божни тўланганлиги тўғрисидаги квитанция.

Ҳали 16 ёшга тўлмаган ва ота-оналари (васийлари, ҳомийлари) билан бирга яшайдиган болаларни рўйхатдан ўтказиш тутилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бўйича улар ҳақидаги маълумотларни уй дафтарларига (рўйхатдан ўтказиш картончаларига) киритиш орқали амалга оширилади (Низомнинг 40-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Яшаш жойи – Ўзбекистон

Мен – фуқаролиги бўлмаган шахсман, Ўзбекистонда доимий яшайман. Бошқа мамлакат фуқаролигини олишим ва айна пайтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшашим мумкинми?

Зарифов. Тошкент ш.

— Сиз бошқа давлат фуқаролигини олишингиз, сўнгра хорижий шахсининг яшаш гувоҳномасини олиш учун доимий истиқомат жойидаги кириш-чиқиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлини масисига (КЧФРБ) мурожаат қилишингиз мумкин. Бунинг учун доимий истиқомат жойидаги ИИБга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:

➢ Ўзбекистон ИИБ томонидан белгиланган шакл бўйича ариза;

➢ хорижий давлатнинг ҳақиқий паспорти;

➢ ваколатли органлар томонидан берилган ва аризачининг фуқаролиги туганганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

➢ катталиги 35 x 45 мм қора-оқ ёки рангли 5 та фотосурат;

➢ истиқомат жойидан оила аъзолари кўрсатилган маълумотнома;

➢ никоҳ тўғрисида гувоҳнома (Низомнинг 15-банди, 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармонга 2-илова).

Санжар Хўжааҳмедов, «Norma» МЧЖ эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 30.01.2018 йилдаги 66-сон қарори билан Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш қоидалари тасдиқланди.

Валютани олиб чиқиб кетишга рухсатномадан бир марта фойдаланилади

Ҳужжатнинг олдинги таҳрири Президентнинг 6.12.2017 йилдаги «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5273-сон Фармонига мувофиқ келмаслиги боис ўз кучини йўқотди.

Эслатиб ўтамиз, йил бошидан олиб қилиётган ва олиб чиқиб кетилаётган 2 000 АҚШ доллари эквивалентидан ортиқча миқдордаги нақд хорижий валютага декларация тўлдирилиши ва божхона органи ходимига тақдим этилиши лозим. Мамлакатимиздан эквиваленти 5 000 АҚШ долларига тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валютани эркин олиб чиқиб кетиш мумкин (декларациялаш тўғрисидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда). Ушбу суммадан ортиқча маблағни олиб чиқиб кетишда қуйидагилар талаб этилади:

➢ резидентлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг рухсатномаси, унда олиб чиқиб кетиладиган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади. Рухсатнома у берилган санадан бошлаб 3 ой мобайнида амал қилади;

➢ норезидентлар томонидан – Ўзбекистонга кириш чоғида тўлдирилган

йўловчи божхона декларацияси. Улар илгари олиб кирган миқдорларидан ортиқ бўлмаган миқдордаги маблағни олиб чиқиб кетишлари мумкин.

Бу – муҳим! Кўрсатиб ўтилган нақд хорижий валютани олиб чиқиб кетишга рухсатнома ҳужжатларидан бир марта фойдаланилади. Масалан, агар фуқаро 10 000 АҚШ долларини олиб чиқиб кетишга МБдан рухсатнома олган бўлса, у қиёб кетаётганда рухсатномани божхона органларига топширади ва тегишинча ундан қайта фойдалана олмайди. Ҳудди шундай, норезидент мамлакатимизга 12 000 АҚШ долларини йўловчи божхона декларациясини тўлдирган ҳолда олиб кириб, қайтишда эса декларацияни кўрсатиб, 6 000 АҚШ долларини олиб чиқиб кетса, кейинги гал айнан шу декларация бўйича қолган 6 000 АҚШ долларини олиб чиқиб кета олмайди.

Шунингдек эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг январида йўловчи божхона декларациясининг янги шакли тасдиқланди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 1.02.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02.

Хизматлар лицензияланган.

Марказдаги 65 кв.м офис ва бир участкадаги 200 кв.м турар жой (евротаж-мирдан чиққан) узоқ муддатга ижарага берилади. Тел.: (+998 90) 956-44-35, (+998 90) 956-54-42.

Ўзбекистон
Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz
www.norma.uz
www.norma.uz

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта соҳабна кўнлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
Ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Сайдмуратовна
РАХИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Нашр қўрилган – 186. Қўроқ бичими – А3. Ҳажми – 2 бошқа табоқ, Боҳори кўпчилиги нархда.
Буортма 76. Адади 965. Газета 2018 йил 5 февраль соат 14.00 да топширилди.